



Тарихий манбаларга кўра май Эрон хукмдори Жамшид томонидан ўйлаб топилган ва дунёга ёйилган. Жамшиднинг яна бир исми Жам бўлиб, зардуштийлар жам деб аталадиган маросимларида май ичишни одат қилишган. Давримизгача бўлган шоирлар ҳам «сокиё, сун жоми жам» тарзида ўз шеърларида фойдаланганлар. Эронда Наврўз кунини йилбоши деб эълон қилган ҳам Жамшид бўлади.

Ривоятга кўра, Жамшид бир куни овга чиқади ва тоғда ишқомларга дуч келади. Унда узум шингиларини кўради. Унинг инсонга таъсир этувчи хусусиятини англагач, унинг сувидан махкумларга беради. Улар оғир уйкуга кетадилар. Уйгонганларида яна ичинглар деб буюради. Ўзи эса оз-моз ичиб уларни масхара қиларди. Сўнг унга мубтало бўлиб, бутун мамлакатга ичишни амр қилди.

Тавротдаги Таквин сафарининг 9-боби 20-25-ададида шароб ва май хакида сўз юритилади. Бундан Нух тўфонидан илгарирок май мавжуд бўлгани маълум бўлади. Яна Ашиё сафари 65-бобининг 8-ададида «Робб буюрадики, шингилда ҳамр (май) бўлгани учун уни бузма», дейилади. Яъни узумда май бўлгани учун ундан майни чиқариб, узумни бузма, деб буюрилади. Узум бир жойда турса бузилади. Унинг сувидан ичганлар маст бўлиб, хушларини йўкотадилар.

Тўфондан кейинги даврларда май бошка мевалардан ҳам чиқарилган. Мисрликлар, ибронийлар, юнонлар аста-секин бу ичимликнинг ёмонлигини англаб етишади. Машхур юнонлик Ликорк мастликнинг ёмон эканлиги хакида айтган эди. Бирок инсонларни ёмонликка, шахватга чорловчи май тезлик билан бутун дунёни эгаллаб олди.

Тавротдаги Эмсал Сулаймония кисмининг 9-боб 5-ададида; Юханна Инжилининг 2-бобида ҳам май хакида сўз юритилади. Унда май қай тарзда ёйилгани ва у келтириб чиқарадиган оқибатлар хакида айтилган.

Тавротдаги Лавбин сафари 10-боб 8-9-ададида: «Ва Робб Хорунга хитоб қилиб айтдики: Сен ва сенинг ўғилларинг жамоат чодирига кирганингизда шароб, май ичманг». Мана шу

тарика Робб Хорун (алайхиссалом)га шароб ичишга мубтало бўлганларнинг хузурига келганида май ичмасликни буюрган эди.

Сулаймон (алайхиссалом) даврида ҳам май катта рағбат кўриб, инсоният ахлоки тубанлашган.

Тавротдаги Эмсал Сулаймония кисми 20-боб 1-ададида: «Шароб масхараловчи ва жанжал кўтарувчи ичимликдир, унга мубтало бўлган кимса аклли эмасдир», дейилади. Яна 23-боб 21-ададида: «Майхўрлар, жасадини хурмат қилмаганлар билан дўст бўлма. Зеро, майхўрлар мусриф ва фақир бўладилар. Яна шаробнинг кизиллигига, қадаҳда товланиб оқишига махлиё бўлиб қолманг. Чунки оқибатда илон қаби чақади. Кўзларинг гарибаларга қарайди, қалбинг ёмонлашади, тилинг эгри сўзлар сўзлай бошлайди, худди денгизнинг ўртасида қолиб қетган кемадек ва кема тиргагида ухлагандек бўласан», деб майнинг ёмон оқибатидан огоҳ этади.

Кўриниб турибдики, ўша даврларда ҳам ичкилик бутун дунё бўйлаб ёйилган бўлишига қарамасдан китобларда унинг ёмон оқибатлари хакида уқтирилган. Уларнинг яхшиликка восил бўла олмасликлари билдирилган. Ислолда бутун спиртли ичимликлар манъ этилган.

Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) дунёга келган пайтларида Арабистоннинг ҳар бир уйи майхонага айланган эди. Ҳазрати Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) ва Ҳазрати Абу Бакр (розияллоху анху) сингари зотлар майга асло майл билдирмаганлар.

Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): «Роббим энг аввал мени ичкиликдан, инсонлар билан мунозарадан, гийбатдан манъ этган», деганлар.

Насоий Абу Хурайрадан (розияллоху анху): «Роббим энг аввал мени ичкиликдан, инсонлар билан мунозарадан, гийбатдан манъ этган», деганлар.

Насоий Абу Хурайрадан (розияллоху анху) нақл қилади: «Меърож кечасида икки қадаҳ келтирилди. Бирида ҳамр, иккинчисида эса сут бор эди. Расулulloх ҳар иккаласига ҳам боқиб, сутни олдилар. Жаброил (алайхиссалом) айтди: «Сизни хидоят фитратига етказган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Ҳамрли қадахни олганингизда умматингиз йўлдан озган бўларди».

Ҳамр хакида қуйидаги оятлар нозил бўлган:

Наҳл сурасининг 67-оятида:

«Хурмо ва узумларнинг меваларидан эса май ва гўзал ризқ олурсиз. Албатта, бунда ҳам англайдиган қавм учун аломат бордир», деб марҳамат қилинади.

Бақара сурасининг 219-оятида эса:

«Сиздан май (маст қилувчи ичимлик) ва кимор хакида сўрамоқдалар. Айтинг: «У иккисида катта гуноҳ ва одамлар учун (баъзи) фойдалар бор. Иккисининг гуноҳи фойдасидан каттарокдир», деб марҳамат қилинади.

Нисо сурасининг 43-ояти:

«Эй, иймон келтирганлар! Токи гапираётган гапингизни (ўзингиз) биладиган бўлгунингизча, маст холларингизда намозга яқинлашмангиз!» Ушбу оятда май қатъий ҳаром қилинмаган пайтда Мадинада нозил бўлган эди. Абдурахмон ибн Афв кечки овқатда бир қанча инсонлар билан май ичиб намозга туришган эди. «Қул йа аййухал қафирун»даги «лаа» харфини унутиб қолдирди. Бу билан маъно «Лаа аъбуду ма таъбудун», яъни «Мен сизлар ибодат қилган нарсага ибодат қилувчи эмасман» эмас, «лаа» харфи тушириб қолдирилгач, «Мен сизлар ибодат қилган нарсага ибодат қилувчиман» бўлиб қолади Расулulloхга (соллаллоху алайхи васаллам) шикоят қилдилар. Сўнг мана шу оят нозил бўлди.

Асл катъий оят эса Моида сурасининг 90-91-оятлари оркали билдирилган:

«Эй, иймон келтирганлар! Албатта, май (маст килувчи ичимликлар), кимор, бут-санамлар ва (фол очадиган) чўплар шайтоннинг ишидан иборат ифлосликдирки, ундан четланингиз! Шояд, (шунда) нажот топсангиз. Шайтон май билан кимор (ёрдами)да ўрталарингизга адоват ва нафрат солишни ва сизларни Аллохнинг зикри хамда намоздан кайтаришни хохлайди. Бас, энди, сизлар (май ичишдан) тийилувчимисиз?» Бу оят нозил бўлгандан сўнг май ичганлар тавба килганлар, майни кўчага тўкишган. Майнинг даромади хам харом экани хакида Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) билдирганлар.

Муслим ва Бухорий Хазрати Умардан (розияллоху анху) накл килади: Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) минбарга чикиб:

«Эй инсонлар! Майни харом этувчи оят нозил бўлди. Май беш нарсадандир. Узум, хурмо, асал, бугдой ва арпадандир. Май аклни тўсади», деб мархамат килдилар.

Нуъмон ибн Башир накл килган хадисда эса: «Мухаккакдирки, узумдан, арпадан, тарикдан ва асалдан май чиқарилади. Мен сизни хар кандай маст этувчи ичкиликлардан ман этаман», деб мархамат килинади.

Муслим ривоятига кўра, «Хар бир аклни тўсувчи нарса май (маст килувчи)дир. Май эса харомдир», деб мархамат килинади.

Абу Довуд, Термизий Хазрати Ойша онамиздан (розияллоху анхо) накл килади: «Аклни оладиган (бузадиган) нарса харомдир. Бир катраси хам, огиз тўласи хам харомдир».

Ибн Умар айтади, бир куни Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) хутбага чиқдилар.

Май хакида оятлар ўқидилар. Тингловчилардан бири:

- Ё Расулulloх! Мизирни биласизми? – деб сўради.
- У нима? – деб сўрадилар.
- Яманда чиқарилади, – жавоб килди.
- Маст киладими? – деб сўрадилар.
- Ха, – деб жавоб килгач:
- Хар кандай маст килувчи нарса харомдир, – деб мархамат килдилар.

Бошка бир хадисда: «Маст килувчи нарсанинг озидан хам сизни кайтараман», дейилади.

Яна бир хадисда: «Ичкилик харомдир. Бир томчиси хам» дейилади.

Хазрати Жобир айтади: «Макка фатх этилган куни ичкиликни сотиш, ундан даромад килиш, ўлган жасад ва чўчка гўшти ейиш хамда бутларга топиниш харом килинган».

Бухорий ривоятига кўра: Хамрнинг тижорати хам харомдир.

Макка фатх этилган кун Сакиф кабиласидан бир киши ичкилик сотмоқда эди.

Пайгамбаримизни (соллаллоху алайхи васаллам) кўрган, бироқ унинг харом килинганидан беҳабар эди. Расулulloхга (соллаллоху алайхи васаллам) бир қадах шароб такдим этди. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) ундан:

- Шаробнинг харом килинганини билмайсанми? – деб сўрадилар. У:
- Йўк, – деди. Шунда у кишининг ёнида турган бир киши кулогига бир нарсани шивирлади. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам):
- У одамнинг кулогига нима деб шивирладинг? – деб сўрадилар. У киши:
- Сотаверишини айтдим, – деди. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам):
- Майни харом килган Аллох, уни сотишни хам харом килган, – деб мархамат килдилар Шунда бояги киши дархол майни ерга тўкиб ташлади.